

Хўжаобод туман маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобидан 2022 йилда туман ҳалқ таълим бўлими бўлими тасарруфидан умумтаълим мактабларининг жорий таъмирлаш ишлари юзасидан

**МАНЗИЛЛИЙ ДАСТУР**

Млн. сўмда

Г/р	Ташкилот номи	2022 йил				Амалга оширилган ишлар мазмуни
		1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
1	11-умумтаълим мактаб			150,0		Хожатхона куриш
2	21-умумтаълим мактаб			160,0	150,0	Иссиқлик тизими жорий таъмирлаш, Кўрғон девор
3	27-умумтаълим мактаб		400,0			Кўрғон девор ва Бинони жорий таъмирлаш
		0,0	400,0	310,0	150,0	
		860 сўмни ташкил этиб, 2022 йил 4 та таълим ташкилотларини таъмирлаш кўзда тутилган.				

Хўжаобод туман молия бўлими 1-ўринбосари

Н.Маматов

Хўжаобод туман ҳалқ таълими бўлими мудирини

Ш.Хамдамов



“ТАШКИЛАЙМАН”  
 Хўжаобод туман ҳокими  
 Ў.И.Шуккуров  
 2022 йил



*(Handwritten signature)*

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «21» 9

184-1-27-ХТ/2022-сон

Хужаобод ш.

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Хужаобод туман Халк таълим бўлими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи рахбари Ф.Эргашев бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи «Ишончли бунёдкор» МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи рахбари Б.Юлдашев иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофиқ тузилди.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи»нинг яъни Халк таълим бўлимига қарашли 11-мактаб янги хожатхона қуриш ишларини бажариб беради.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Бажарилган лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда шартноманинг умумий суммаси **153 000 000 (бир юз элик уч млн)** сўмни ташкил этади.
- 2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс-мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.
- 2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 3 банк иш кунида «Буюртмачи» томонидан бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30% ини, яъни **45 900 000 (қирик беш миллион тўқиз юз минг)** сўмини олдиндан аванс тариқасида «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- 2.4. Қолган 65 % и, яъни **99450000 (тўқсан тўққиз миллион тўрт юз элик минг)** сўмини «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар ф2, ф3 маълумотномалар асосида 10 банк иш кунида ўтказиб беради.
- 2.5. Қолган 5 % и, яъни **7 650 000 (етти миллион олти юз элик минг)** сўмини «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси асосида 12 банк иш кунида ўтказиб беради.
- 2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари  
Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан бажарилган ишлар далолатномасига асосан қабул қилиб олади.  
Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 10 кун муддатда ишларни бажариб топширади.  
Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.
- 3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари  
Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;  
Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб қилиш;
- 3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари  
Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

### 3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

## IV. КАФОЛАТЛАР

### 4.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

4.2. Иншоот ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, хом ашёлардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар далолатномани имзолаган кундан бошлаб бир ой этиб белгиланади.

4.3. Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

4.4. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади. Пудратчи нуқсон ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда ёзувларни киритади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 «Пудратчи» ва «Буюртмачи» уртасида узаро шартнома имзолангандан сунг мукамал таъмирлаш ишларини бажарадиган бино ёки иншоот қурилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан қабул қилиб олади. Қурилиш майдони ёки участкаларда техник хавфсизлик коидаларига келишилган ишларни бажариш вақтида атроф муҳитнинг тозалиги меҳнат муҳофазаси ёнгини олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чиқади ва бунга амал қилади. «Пудратчи» мазкур шартномадаги барча ишларни уз кучлари билан бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тулик жавобгар. «Пудратчи» мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Пудратчи» объектни фойдаланишга топширгунга қадар мазкур шарнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектни тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида булади. «Пудратчи» узининг томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофиқ булиши ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини кафолатлайди. Агар «Пудратчи» келишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз ҳолда булган деб топилса «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тулайди. «Пудратчи» бу шартномада курсатилган қурилиш таъмирлаш ишларини қабул қилиш комиссиясига лойиха ҳужжатлари асосида ишини сифатли бажарган ҳолда топширади.

5.2 Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ажратилган бино, иншоат, қурилиш участкасини далолатномаси билан «Пудратчи»га топширади.

Қурилиш ишларини бажарилиши устидан «Буюртмачи» вакиллари қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган. «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиб боради. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблағи беради. Белгиланган ишларни яқунланган деб топилиб комиссия орқали қабул қилинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Буюртмачи» қурилиш майдонида уз вакилини техник аудиторини тайинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб усқуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқ текширади.

5.3 Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб пудратчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4 «Пудратчи» ишларни бажариш графигида кўрсатилган муддатларда қурилиш ишларини тугатмаган тақдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.5 «Буюртмачи» шартноманинг 2-қисмида кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда «Пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.6 Шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, хўжалик шартномаларни бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун «Хўжалик юртурувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунинг 25-32<sup>м</sup> моддаларида назарда тутилган жавобгарлик қоралари қўлланилади.

#### **VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

6.1 Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг узаро келишуви билан ҳал қилинади.

6.2 Низоларни тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб булмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун қондасига асосан хўжалик судида ҳал қилинади.

#### **VII. Бошқа шартлар**

7.1 Ушбу шартномага киритиладиган барча узғаришлар ва қушимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзолангандан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

7.2 Ушбу шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб тарафлар имзоларидан сунг ҳақиқий деб ҳисобланади.

#### **VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

8.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома

шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

### IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

### X. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

10.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, “31” Декабрь 2022 йилгача амал қилади.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жihatдан тенг кучли ҳисобланади.

### XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

“Ишончли бунёткор” МЧЖ

Халқ таълим бўлими

Манзил: Кўрғонтепа тумани Султанаобод  
МФЙ Ўлмазор кўча №82 уй

Манзил: Хўжаобод тумани Навоий мфй

Тел./факс: (99) 908-55-50

Тел./факс (74) 741-11-37

ш/х 100022860032367092100075063

Банк номи/ “Туронбанк” АТБ Андижон  
филиали

бюджетдан маблағ олувчи

х/в: 20208000705080768002

СТИР 206966434 ОКОНХ 92310

МФО: 01171

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Хўжаобод тумани  
бўйича Ҳазначилик бўлинмаси

ИНН:306448924

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

ОКОНХ 61110

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар  
бош бошқармаси ХККМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919



Рахбар

Б.Юлдашев



Рахбар

Ф.Эргашев

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ CW66857832

1. Loyihanning turi

## Shartnoma

2. Loyihaning nomi

## Pudrat shartnomasi

Pudrat shartnomasi “Buyurtmachi” deb ataluvchi Xo‘jaobod tuman **Xalq ta’lim bo‘limi** va uning nomidan Nizom asosida ish olib boruvchi rahbari F.Ergashev bir tomondan va “Pudratchi” deb ataluvchi **“Ishonchli bunyodkor” MCHJ** va uning nomidan Nizom asosida ish olib boruvchi rahbari B.Yuldashevlar o‘rtasida tuzilmoqda. “Pudratchi” mazkur shartnoma shartlariga muvofiq “Buyurtmachi”ning ya’ni Andijon viloyati Xo‘jaobod tumani xalq ta’limi bo‘limi tasarufidagi 11-umumiy o‘rta ta’lim maktabida yangi hojatxona qurish ishlarini bajarib beradi. Bajarilishi lozim bo‘lgan ishlar “Buyurtmachi” tomonidan tasdiqlangan smetaga va tanlov komissiyasining qarori (16.09.2022-yil lot raqami №136094) bilan tasdiqlangan ishlar qiymati (barcha soliqlar, yig‘imlar va ajratmalarni o‘z ichiga olgan holda) ga asosan joriy narxlarda shartnomaning umumiy summasi **153 000 000 (bir yuz ellik uch million)** so‘mni tashkil etishi, bajariladigan ishlar qiymati uzil kesil hisoblanib, faqatgina ishlar hajmi buyurtmachi tomonidan o‘zgartirilganida va fors-major holatlari sabab bo‘lganida qayta ko‘rib chiqilib, tomonlar o‘rtasida qo‘shimcha bitim bilan rasmiylashtirilishi, shartnoma tomonlar o‘rtasida imzolanib, tegishli G‘aznachilik tizimidan ro‘yhatdan o‘tgandan so‘ng 3 bank ish kunida “Buyurtmachi” tomonidan bajariladigan ishlar umumiy qiymatining 30% ini, ya’ni **45 900 00 (qirq besh million to‘qiz yuz ming)** so‘mini oldindan avans tariqasida “Pudratchi” ning hisob raqamiga o‘tkazib berishi, qolgan 65 % i, ya’ni **99450000 (to‘qson to‘qqiz million to‘rt yuz elik ming)** so‘mini “Pudratchi” tomonidan topshirilgan bajarilgan ishlar f2, f3 ma’lumotnomalar asosida 10 bank ish kunida o‘tkazib berishi, qolgan 5 % i, ya’ni **7 650 000 (yetti million olti yuz elik ming)** so‘mini “Pudratchi” tomonidan topshirilgan bajarilgan ishlar dalolatnomasi asosida 12 bank ish kunida o‘tkazib berishi to‘g‘risidagi pudrat shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot.

**Хо'jaobod tuman xalq ta'limi bo'limi**

**20.09.2022-yil**

*Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.*

**21.09.2022-yil**

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
Bosh yuriskonsulti**



**Sh.Xabibullayev**

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 136094 на приобретение Хужабод Тумани Халк таълими булимига карашли 11-мактабнинг таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 06.09.2022

Время рассмотрения 05.09.2022 11:58

Закупочная комиссия Хужабод т ХТБ Марказлашган хисобхона, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	MADAMINOV OMADBEK ABDURAIM O'G'LI	КУК раиси	ХТБ
<b>Председатель комиссии</b>	KODIROVA ZUXRAXON SHERMUXAMMADOVNA	Шартномалар буйича мутахассис	ХТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	TOLIBJONOV MUXAMMADRASUL BAXROMJON O'G'LI	Инженер	ХТБ
<b>Член комиссии</b>	MADORIPOV SARDORBЕК ABDULLAYEVICH	Ижтимоий фан методисти	ХТБ
<b>Член комиссии</b>	TOLIPOV QUDRATILLO RAXIMBERDIYEVICH	Коммунал хизматлар буйича инспектор	ХТБ
<b>Член комиссии</b>	RUSTAMOV MUKUMJON QOSIMOVICH	Вих	Удален со стороны заказчика

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.09.2022 года № лота 136094.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по капитальному ремонту сооружений</b>
Подробное описание	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	153 759 034.00
Стартовая сумма	153 759 034.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининт мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининт мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ISHONCHLI BUNYODKOR</b>	25	1	25	Экспертная		
<b>OOO MAKS STROY ELIT</b>	25	1	25	Экспертная		

Критерий №2 Шартнома тузиш учун конуний хукукка эгалик, содиклар ва бошка мажбурий туловларни тулаш буйича карздорликгининг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Шартнома тузиш учун конуний хукукка эгалик, содиклар ва бошка мажбурий туловларни тулаш буйича карздорликгининг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ISHONCHLI BUNYODKOR</b>	25	1	25	Экспертная		
<b>OOO MAKS STROY ELIT</b>	25	1	10	Экспертная		

Критерий №3 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ISHONCHLI BUNYODKOR</b>	25	1	25	Экспертная		
<b>OOO MAKS STROY ELIT</b>	25	1	25	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчиларига шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиларига шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ISHONCHLI BUNYODKOR</b>	25	1	25	Экспертная		
<b>OOO MAKS STROY ELIT</b>	25	1	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ООО МАКС СТРОЙ ЭЛИТ</b>	153 759 034.00	153 759 034.00 UZS	153 759 034.00	00.00	153 759 034.00	31.08.2022 16:19:21	9.95
<b>ООО ИШОНЧЛИ БУНЫОДКОР</b>	153 759 034.00	153 000 000.00 UZS	153 000 000.00	00.00	153 000 000.00	31.08.2022 16:15:37	10

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО МАКС СТРОЙ ЭЛИТ</b>	63	9.95	72.95
<b>ООО ИШОНЧЛИ БУНЫОДКОР</b>	90	10	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 136094 от 06.09.2022 года на приобретение Хужабод Тумани Халк таълими булимига карашли 11-мактабнинг таъмирлаш определила победителем:

ООО ИШОНЧЛИ БУНЫОДКОР  
306448924

и резервный исполнитель: ООО МАКС СТРОЙ ЭЛИТ (302586740)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	KODIROVA ZUXRAXON SHERMUXAMMADOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TOLIPOV QUDRATILLO RAXIMBERDIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MADAMINOV OMADBEK ABDURAIM O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП